O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI OLTINKO‘L TUMANI HOKIMINING

QARORI

2022 - yil 19 - yanvar 21-1-15-Q/22 Oltinko‘l tuman hokimligi

Олтинкўл туманидаги умумфойдаланувдаги автомобил йўлларига йўлбелгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижросини таъминлаш, Олтинкўл тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобил йўлларида транспорт воситаларинииинг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Олтинкўл туман ИИБ ЙҲХГнинг 2021 йил 13 декабр кунги 34/6-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25- моддаларига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Олтинкўл туман ИИБ ЙҲХГнинг 2021 йил13 декабр кунги 34/6-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- 4Р-112 “Фарғона ҳалқа йўли”нинг (ПК 134+300кмдан ПК 134+700км)

оралиғида йўлнинг ўнг, чап томонига**3.27 “Тўхташ тақиқланган”** йўл белгиси ўрнатилиши ҳамда **1.4 (ҳошияси сариқ) “Тўхташ тақиқланган жой”** ётиқ чизиқ чизилишига рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш Унитар корхонаси (Н.Усмонов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Б.Нурматов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Олтинкўл туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари С.Абдуллаевга ушбу қарорни “Олтинкўл” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Бурхонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **И.Матрузиев**